

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ МУСИҚА АКАДЕМИК
ЛИЦЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида кадрларни тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидаги ҳарбий оркестр жамоалари, шунингдек, бошқа оркестр ва бадиий жамоалар учун дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги йўналишида кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган musiқа академик лицейи негизида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий musiқа академик лицейини (кейинги ўринларда — Ҳарбий musiқа академик лицейи) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ҳарбий musiқа академик лицейининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта ҳамда ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ сифатли ўқитишни ташкил этиш;

умумий musiқий билимларнинг бошланғич асосларини ўргатиш ҳамда дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги йўналишида етук кадрларни тайёрлаш;

халқаро танловларда муносиб қатнашадиган иқтидорли ёш musiқачиларни тайёрлаш учун уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ўқув дастурлари ва услубларини жорий этиш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасидаги илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш;

ҳарбий оркестрлар, шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралар оркестр ва бадиий жамоалари учун малакали кадрлар захирасини шакллантириш;

Ватанга садоқат, ўз халқининг маънавий ва тарихий қадриятларига ҳурмат руҳида тарбияланган ёшларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар резервини шакллантириш мақсадида республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириши учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш;

ўқувчиларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг истеъдодини ва маданий савиясини ҳар томонлама юксалтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий musiқа академик лицейи офицерлар таркибининг ҳарбий унвонлари ва лавозимлар бўйича тариф разрядлари рўйхати [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Маданият вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳарбий musiқа академик лицейига илмий-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетини бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ҳарбий musiқа академик лицейида:

musiқа таълими ва ўқув жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида истисно тариқасида, мавжуд умумий ўрта таълим синфлари сақлаб қолинади;